



MILLIY TIKLANISH

12 (496) ● 2018 йил 22 март, пайшанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Жонажон юртимиз — Ўзбекистонимизга яшариш, баҳор ва ғўзаллик байрами — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу қутлуғ айём — Шарқона янги йил билан сиз, мухтарам отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимиз, суоқли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Қалбларимиз шодлик ва қувончга тўлган мана шу нури лаҳзаларда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Қадрли дўстлар!
Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини кутиб олмоқда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача — барча юртдошларимиз катта шоду хуррамлик билан бир-бирини қутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Эл-юртимизнинг табаррук заминимизга, она диёримизга меҳри, ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат фазилатлари янада яққол намоён бўлмоқда.

Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб,

янгилашиб бормоқда.

Янги-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий корхоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой кўшмоқда.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари — одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга хурмат, муҳтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқларварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Биз энг аввало оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимизни рози қилишни ўз олдимизга эзгу вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу олий мақсадга албатта эришамиз. Шунда ҳаётимиз янада обод ва фаровон, буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлади.

Бугун миришкор дехқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдалар. Барчамиз йилимиз қутлуғ келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, деб уларни табриклаб, ишларига ривож тилаймиз.

Азиз дўстлар!
Мана, бир неча йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу бетакрор байрам барча эзгу

ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида энг ғўзал ва олижаноб туйғуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврўзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, диёримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардоқли ва сеvimли байрамига айланди.

Бугун чет эл дипломатик корпус вакиллари, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Наврўз қувончини биз билан бирга баҳам кўрмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз меҳмонларимизга, барча яқин ва узоқ давлатлар халқларига самимий табрикларимизни йўллаб, уларга тинчлик-осойишталик, раванқ ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли ва мухтарам юртдошларим!
Мана шу мунаввар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч олиб келсин!
Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Мухтарам Президент Жаноблари!

Наврўз байрами арафасида Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сўнги йилларда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янги стратегик даражага кўтарилди, бу мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий дўстлик ришталарига янги ҳаётли куч бағишлади. "Бир макон — бир йўл" қўшма лойиҳаси доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, халқаро ва минтақавий масалалардаги ўзаро алоқалар мустақамланиб бормоқда. Икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланиши халқларимиз учун фойдали бўлмоқда. Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишим ва Сиз билан дўстликни юксак қадрлашимни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Ҳурматли Президент, азиз қардошим!

Ўлкаларимиз ўртасидаги қадим дўстлик, қардошлик, бирдамлик ва ҳамкорликни ўзида муҳасам этиб, келажак авлодларга етказган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда дўст ва қардош ўзбек халқини турк халқи ва шахсан ўз номидан энг самимий тилакларим ила табриклайман. Ҳурмат билан,

Режеп Таййип Эрдоған,
Туркия Республикаси Президенти

ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ МАМЛАКАТИМИЗ БЎЛАБ НАВРЎЗ САЙИЛЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Юртимизга баҳор келди. Она замин узра кўклар насими эса бошлади. Қаҳратон совуқда мудроқ ётган дов-дарахт уйғониб, бузун қуртак ёзди. Кўшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар кўзни қуватиб, кўкка бўй чўзди. Нозик новдаларга гул битди, қийос суллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди. Бутун борликда уйғониш, янгилашни, янариш манзаралари...

Юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сиҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилаклари билан Наврўз шодиёналарига қадам қўймоқда. Осмонимиз мусалфа. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишонч билан тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, Ватан тараққийига муносиб ҳисса қўиш ниятида яшаётган халқимиз "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадамингиз қутлуғ бўлсин! Юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!" деб қутлуғ айёмга пешвоз чиқмоқда.



2-бет

Давра суҳбати

ФАРЗАНДЛАР ҚАЛБИНИ АСРАНГ!

БОЛАЛАРНИ УЛАРНИНГ СОҒЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АХБОРОТДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Бугунги глобализм шиддати боис ахборот айланиши шу қадар тезлашмоқдаки, бир дақиқа олдин сиз Интернетда ўқиган маълумот эскириб қолиши ҳеч гап эмас. Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши, жамиятда ахборотга нисбатан эҳтиёжнинг кескин ошиши, ўз навбатида, "оммавий маданият" таҳдидларини ҳам орттирмоқда, жамоатчиликни ҳолис, ишончли, тўғри ахборот билан таъминлаш, реал воқеликдан огоҳ этиши, воқеа-ҳодисанинг асл моҳиятини тўғри тушуштириш тобора ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Ахборот тарқатиш тармоқлари давлатлараро чегараларни ҳатлаб ўтаётган бир даврда миллий яхлитлигимизни сақлаш, миллий ўзлигимиз ва манфаатларимизни ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш — ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир" мавзусидаги давра суҳбатида ана шу долзарб масалалар ҳақида сўз борди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда талаба ёшлар иштирок этди.

3-бет

Ташаббус натижа берди

ДАВЛАТ ТИЛИГА ҲУРМАТ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ЎЗМТДП БУ БОРАДА ЯНА БИР МАСАЛА КИРИТДИ

Она тили — ҳар бир миллатнинг тарихий ва маънавий-маданий қийфасини ифода этадиган, шу миллат ўзига хослигини сақлаб қолишининг муҳим воситаси. Шу боис она тили соғлиғини таъминлаш, ёш авлодда унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром уйғотиш ниҳоятда муҳим вазифадир.

Бебаҳо миллий бойлигимиз — ўзбек тилини ривожлантириш, унинг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққийети, бугунги ҳолати ҳамда истиқбол билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш ҳар биримиздан юксак масъулият талаб қилади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзбек тилини асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, жамиятимизда тил маданиятини ошириш, адабий тил қондаларига риоя этилишига яқиндан кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан, деб билади.

Ушбу дастурий вазифалар партия фаоллари ва депутатларнинг доимий эътиборида бўлиб, улар адабий тилдан тўғри фойдаланишни таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб бормоқда. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар жамоат жойлари, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қондаларига амал қилиниши ҳолати, Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Давлат тили ҳақида"ги қонунларининг ижросини мунтазам ўрганишти.

3-бет

НАВРЎЗ — ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

Наврўз минтақамиз халқларининг қадимий ва умумий байрамидир. Унинг моҳиятида дўстлик, аҳиллик, бағрикенглик, яхши кўшилиш каби олижаноб фазилатлар ўз ифодасини топган. Халқимиз азалдан бу байрамни дўсту яқинлари, қон-қардошлари билан бирга нишонлагани.

Ўтган йили Наврўз кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи билан борган эди.

Бу йил Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон халқини Наврўз билан табриклаш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Қардош ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, яхши кунларда ҳам, қийинчилик дамларда

ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бундай дўстлик ва аҳиллик бугунги кунда халқларимиз ўртасидаги алоқаларга мустаҳкам асос бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз вазирилик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Транспорт йўлаклари очилиб, темир йўл ва автобус қатновлари йўлга қўйилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайди. Санъат ва маданият намоёндалари, шоир ва ёзувчилар икки мамлакатдаги кўргазма ва фестиваллар, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили ўтказилаётгани халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентлар минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги самимий муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, чегаралардаги енгилликлар икки мамлакат

халқларининг ўзаро борди-келдиси учун кенг йўл ва имкониятлар очгани, бунда энг катта мақсад бўлган халқларимиз розилиғига эришилганини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юқори баҳоланди, уни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, мустақиллигимиз асосчиси Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига хурмат бажо келтирдилар. Қуръон тиловат қилинди.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

ЎЗА

Боқий мерос

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

Наврўз Шарқ халқларининг муштарак исоди бўлиб, ҳар бир миллат ва элат уни ўз турмуш ва яшаш тарзи, ўзи истиқомат қилаётган эҳсуруфий муҳит шароити ва урф-одати доирасида нишонлаб келади. Шунинг учун ҳам Наврўз, бир томондан соф миллий, иккинчи томондан байналмилал байрам сифатида ривожланишда давом этмоқда.

Атоқли олим Ҳоди Зарифнинг ёзишича, Наврўзи оламнинг байрам сифатида нишонлана бошланганига уч минг йилдан зиёд бўлган. Кўплаб оғзаки ва ёзма маълумотлар бу мулоҳазанинг асосли эканлигини тўла тасдиқлайди. Улуғ алломалар

Беруний, Наршахий, Умар Ҳайём маълумотлари ҳам Ҳоди Зариф хулосалари тўғрилигидан гувоҳлик беради. Марказий Осиёда суғорма деҳқончилиқ маданиятининг юзага келиш тарихи ҳам бунинг исботидир. Чунки Наврўз келиб чиқиши жиҳат

тидан деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ байрамдир.

Наврўзнинг тарихи давомида турли ижтимоий гуруҳлар унга турлича маънабатда бўлиб келди. Ҳатто уни кенг халқ оммаси байрами сифатида эмас, балки тор доирада ўтказишга уринишлар бўлди. Масалан, Сосонийлар даврида Наврўзни шохрона байрам сифатида ёзда ўтказиш қоидалаштирилади. Аммо халқ оммаси уни одатдагидек кўклар аввалида

4-бет

ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ НАВРЎЗ САЙИЛЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 февралда "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган кундан бошлаб маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг қўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуг инсонлар, табарруқ отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш билан боғлиқ хайрия тadbирлари ўтказилди.

...21 март эрта тонгдан карнай-сурнай ва ноғоралар садоси таралиб, юртимизда Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.

Наврўз байрами ҳамма жойда – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳридаги асосий байрам тadbирлари "Ўзэкспомарказ" мажмуида бўлиб ўтди. Карнай-сурнай садолари халқни сайилга чорлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам сайлига чиқди.

...Турфа ранг байроқчалар ҳилпирайди, ранго-ранг шарлар майин эпкиларда тебранади. Наврўз тантаналари ўтадиган асосий сахна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тadbиркорлар, табарруқ отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юрдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.



Давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуд учун ажратилган майдонга бориб, уларнинг концерт дастурларини томоша қилди. Худудлардан ташриф буюрган нуруний отахону онахонлар билан суҳбатлашиб, уларни байрам билан табриклади. Қўллар дуога очилди.

...Йигитлар чиллак, зувиллатар ўйнайди, кураш тури беллашади. Қоқигулдан бошига чамбараклар тақиб олган қизлар қошларига ўсма тортишади. Дорбозга қараш одамнинг кўзи қамашади. "Беш тош", "Мак-мак" ва "Оқ теракми, кўк терак?" ўйинлари, полвонлик, гимнастика, акробатика, масхарабозлик, қизикчилик каби намойишлар Наврўз сайли қатнашчиларини кушнуд этади. Дошқозонларда қайнаган сумалак ифори оламни тутди. Сочларига жамалак таққан қизлар шўх-шодон рақсга тушади. Онахонлар тандирдан қайноқ нонларни узиб, меҳмонларга улашади.

Лапарлар, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови қизиди. Фольклор жамоаларининг куй-қўшиқлари қўшлар чуғурига, кўркам фавворанинг жилдирашига уйғунлашиб кетди.

...Халқимиз Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик билан кутади. Бу гал ҳам шундай фусункор дамларда еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни

Ўтган йили юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта 2700 нафар маҳкуми афв этиш тўғрисидаги Президент Фармони имзоланди. Бу ҳам инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлди.

Қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди. Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда. Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингурут ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Олмалик кон-металлургия комбинати "Ёшлик - 1", "Ёшлик - 2" конларини ўзлаштиришга киришди. Сардоба, Марказий Фаргона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Фаргона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айна пайтада электрлаштириляётир.

Амалга оширилган чора-tadbirlar натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

Миллий валютанинг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди.

2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрсатади.

25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга кўп

воқеалар содир бўлди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-tadqiqot марказлари, Ислон академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам мамлакатимиз тарихида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бир йилнинг ўзига 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармовий шартномалар имзоланди.

2018 йилга юртимизда Фаол тadbirkorлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Бу йил бизнес-фаолиятни инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

...Наврўз мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамидир. Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элт вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равишига йўлда барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари тантанана ташриф буюрган турли миллат ва элт вакиллари билан учрашиб, уларни байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Наврўзи олам – Шарқона янги йил билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этди.

Қутлуғ кунда барчага сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилади.

...Майдон узра янграётган дилбар куй-қўшиқлар мамлакатимизнинг олис-олис ҳудудларига таралиб, байрам шуққини юртимиз бўйлаб ёйди.

Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврўз шодиёналарида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб шаҳардаги марказий истироҳат боғида яқинда ўрнатилган Алишер Навоий ва Жомий ҳайкаллари пойига гул қўйди. Шу ерда самарқандлик ижодкорлар ҳамда Наврўз шодиёналарида иштирок этиш учун юртимизга келган тожикистонлик шоир ва ёзувчилар билан мулоқот чоғида Ўзбеки ва тожик адабиётининг бу икки буюк вакили хотирасига ўрнатилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, яқинлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тadbirlarларида вилоят жамоатчилиги, нурунийлар, ишлаб чиқариш фаоллари,



қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди. 2017 йилнинг ўзига 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қурилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзига ўтган йили 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди.

Маънавий ҳаётимизда ҳам муҳим

ёшлар билан суҳбатлашиб, барчани байрам билан яна бир бор табриклади. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимиздаги ислохотлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

**Абу Бакр ЎРОЗОВ,
ЎЗА МУХБИРИ**

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Уйғониш, яшариш ва янгилашни фасли — Наврўз айёми муносабати билан самимий табриklarимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва муштарак маънавий қадриятларга асосланган кўп томонлама муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада жадал ривожланишига ишончим комил.

Ҳурмат билан,

**Нурсултон Назарбоев,
Қозоғистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ҳамда Сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини баҳор айёми — Наврўз билан самимий муборакбод этаман.

Наврўзни нишонлаш халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик анъанавий дўстлик, яхши қўшнилик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биргаликдаги сўй-ҳаракатлар билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва англашув тамойилларига асосланган муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

**Сооранбай Жээнбеков,
Қирғизистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини баҳор ва уйғониш айёми — халқаро Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Умид қиламанки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам Наврўзнинг ҳаётбахш ғояларини илҳомланиб, изчил тараққий этиб боради.

Ҳурмат билан,

**Имомали Раҳмон,
Тожикистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қадри биродарим!
Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табриklarимни изҳор этиш, фаровонлик ва равишга тилашга ижозат бергайсиз.

Бир неча минг йиллик тарихга эга Наврўз байрами меҳмондўстлик, яхши қўшнилик анъаналари бардавқлиги ва улуг инсонийлик тамойилларини мужассам этган халқларимизнинг маънавий ва маданий бойлиги ҳисобланади.

Чуқур ҳурмат ила,

**Гурбангули Бердимухамедов,
Туркменистон Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзим ва Озарбайжон халқи номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини миллий ва маданий-маърифий қадриятларимизни ўзида мужассам этган Наврўз байрами билан самимий қутлайман.

Халқларимиз иродаси билан биз бундан буён ҳам Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини биргаликда мустаҳкамлаб боришимизга ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳурмат билан,

**Илҳом Алиев,
Озарбайжон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Халқаро Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг самимий табриklarимни изҳор этаман.

Муштарак байрамимиз билан яна бир бор муборакбод этган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайишига ишонч билдираман.

**Муҳаммад Ашраф Ғани,
Афғонистон Ислон Республикаси Президенти**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Саудия Арабистони Подшоҳи

Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд
Саудия Арабистони Подшоҳлиги ворис шаҳзодаси,
Бош вазирининг ўринбосари,
мудофаа вазири

Муҳаммад ибн Салмон Ол Сауд
Индонезия Президенти **Жоко Вадодо**
Фаластин Президенти **Маҳмуд Аббос**
БАА вице-президенти, Бош вазири,
Дубай амираи

Муҳаммад ибн Рошид Ол Мактум
Афғонистон ижро ҳукумати раҳбари **Абдулла Абдулла**
Кавказ мусулмонлари идораси раиси

Оллоҳшукур Пошшоода табрик йўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Наврўз муносабати билан самимий табриklar келиши давом этмоқда.

Давра суҳбати

ФАРЗАНДЛАР ҚАЛБИНИ АСРАНГ!

БОЛАЛАРНИ УЛАРНИНГ СОҒЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АХБОРОТДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Тадбирда шу йилнинг 9 март кунидан кучга кирган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, бу борада оммавий ахборот воситалари зиммасидаги вазифалар ҳамда партия ва фракциянинг ушбу қонун ижросини таъминлашдаги иштироки муҳокама қилинди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди:

— Бугун ахборот — тараққиётнинг бош омилига айланди, шу билан бирга, жаҳон ахборот бозорига миллий манфаатларимизга зид, анъаналаримиз, турмуш тарзимизга ёт, умрбоқий қадриятларимизга завоҳл етказадиган ахборотлар тарқатилаётгани ҳам сир эмас. Бу ўз-ўзидан ахборот хуружларига қарши курашиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларини янада кучайтиришни тақозо этади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ёшларнинг камолотиغا хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилишга кўмаклашиш вазифалари белгиланган. Халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли



ЎзМТДП дастурий вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, унинг ижросида муҳим ўрин тутди. Шу боис ЎзМТДП депутатлик бирлашмалари мазкур қонуннинг тўлақонли ишлаши учун зарур бўладиган қонуности ҳужжатлари ўз вақтида қабул қилиниши устидан мониторинг олиб бориши, унинг ижросини назорат қилиши, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиши лозим.

Тадбирда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Тўхтабоев таъкидлаганидек, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда бузғунчи ғоялар билан болаларнинг руҳияти, ҳаёти ва саломатлигига зиён етказувчи ахборотлар тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва таъқиллаш масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг иштироки ҳамда улар томонидан жамоатчилик назоратини кучайтириш назарда тутилган. Ушбу қонун том маънода келажакимиз эгалари бўлмиш болаларнинг соғлиғини муҳофаза этишга қаратилган. Бинобарин, қонуннинг 3-моддасида унинг амал қилиши илмий, илмий-техникавий, статистик ахборотни ўз ичига олган ёки жамият учун тарихий, бадиий ёхуд ўзгача маданий қимматга эга бўлган ахборот маҳсулотининг айлиниши соҳасидаги муносабатларга таъбиқ этилмаслиги аниқ белгилаб қўйилган.

Қонунда ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи ва ёш тоифаларини белгилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани аҳамиятлидир. Бу

жамиятимиз ҳаётида янгилик бўлиб, эндиликда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар, блогерлар, реклама воситалари ҳамда бошқа турдаги ахборот каналлари орқали тарқатилаётган ахборотларда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотдан ҳимоя қилиш мақсадида 0+, 7+, 12+, 16+, 18+ ёзувлари акс эттирилиши шарт. Қонунга кўра, ёшга оид таснифни белгилаш ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар

ва тарқатувчилар томонидан, шу жумладан, экспертларни жалб этган ҳолда мамлакатимиз ҳудудида тарқатиш бошлангунга қадар амалга оширилади. Демак, энди ҳар бир ахборот тарқатувчи фуқаро хушёрликка амал қилган ҳолда ўзлари ёки бу соҳадаги экспертларнинг хулосасига кўра тарқатилаётган ахборотга ёш тоифасини қўйишлари керак бўлади.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ахборот соҳасидаги устувор вазифалари, жумладан, аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ягона миллий ахборот маконини шакллантириш орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ёшлар камолотиغا хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

Давра суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходимлари сўзга чиқиб, мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган қонуности ҳужжатлари, бугунги кунда амалда оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Иштирокчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан қонунда белгиланган меъёрлар юзасидан берилган саволларга ЎзМТДП фракцияси аъзолари жавоб берди. Қонун мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлаш юзасидан фикр-мулоҳаза, тақдир ва тавсиялар билдирилди.



бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларини эъозлаш руҳида тарбиялаш партиянинг устувор мақсад-вазифаларидан саналади. Зеро, ёшлар онгу қалбини асраш келажакимиз асраш демакдир. "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган мақсадлар, аниқ чора-тадбирлар

Дилфуза ЖАЛИЛОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бугун тараққиётнинг илғор воситалари кириб бормаган бирор хонадон қолмади, десак муболаға бўлмайдими. Ёшларимизнинг бундай илғор технологиялардан моҳирона фойдаланаётгани кувонарли, албатта. Аммо замонавий ахборот технологиялари воситасида фойдали ахборот ва маълумотлар билан бирга ёт ғоялар, зўравонлик, экстремизм сингари салбий таъсирлар ҳам оммалаштирилаётгани, бу эса ёш авлод тарбиясига жиддий солаётгани бор гап. Ҳеч кимга сир эмас, "Кўк кит", "Тинч уй" каби виртуал ўйинлар болаларнинг руҳиятига таъсир қилиш орқали ўлим ҳолатларига ҳам сабаб бўлди. Бу каби ҳолатлар эса энг аввало, ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла-қўй, қўйингки, барчамиздан фарзандларимизга янада эътиборли ва талабчан бўлишни тақозо этади. Барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини назоратга олиб, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишимиз лозим. Шунингдек, мазкур қонун ижроси ҳар бир оилادا назоратга олинган тақдирдагина фарзандларимизни турли хавф-хатардан ҳимоя қилишимиз мумкин.

Мурувват

ИБРАТЛИ ҚАДРИЯТЛАР — МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

ЎзМТДП ҲУДУДИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ЎТКАЗАЁТГАН ТАДБИРЛАР АНА ШУНДАЙ МАЗМУН-МОҲИАТ КАСБ ЭТМОҚДА

Халқимизга хос қадим анъана, урф-одат, маросим ва қадриятлар аجدодлардан авлодларга маънавий мерос сифатида ёшларни камолот сари етаклайди, уларда ўз бурч-вазифасига масъулият билан қараш фазилатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Наврўз ана шундай айём саналади. У уйғонини ва яшарини, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзига айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23 февралдаги "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан ушбу жараёнда Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш вазифаси ҳам белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, Наврўз фалсафасига хос саховатпешалик хислатларини шакллантиради, юртдошларимиз ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, Наврўз байрами мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари қатор тадбирлар ташкил этмоқда. ЎзМТДП Марказий кенгаши Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйида ўтказган тадбир болажонларга бир олам қувонч ва шодлик бағишлади. — Истиқлол шарофати билан Нав

рўз байрами буткул янгича маъно-мазмун касб этмоқда, — деди тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухаммадхонова. — Унинг замирида эзгу амал, халқимизнинг бадиий-эстетик қарашлари, донишмандлиги, урф-одатлари, қадим амалий санъати ва хунармандчилик анъаналари мужассам. Байрам муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши янги анъанага айланган. Бинобарин, ҳашарнинг ҳам айни баҳор кунларида ўтказилиши бежиз эмас. У одамларни бирлаштиради, мамлакатимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида бир-бирига елкадош бўлиб яшашга ундайди. Маҳалла ва турар жойлар, муқаддас зиёратгоҳлар тартибга келтирилади, кўча ва хиёбонларга мевали, манзарали кўчатлар, турфа экилади. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногирон ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилади. Тадбирда қутлуғ айём арафасида



юртимизнинг барча жойида бўлгани каби Самарқанд шаҳрида ҳам ибратли анъаналаримизнинг бардавонлигини сақлаш, жамиятимиздаги ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, саховат ва мурувват муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашга оид эзгу ишлар кўлами тобора кенгаётгани таъкидланди. Болажонлар ўртасида Наврўз мавзусида викторина ташкил этилди: уларнинг билими, Наврўз ҳақидаги дунёқараши синондан ўтказилди. Барча тарбияланувчиларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди. — Баҳор ва Наврўз — ёшлик, гўзаллик, беғуборлик, покзалик тимсолларидир, — дейди 10-Меҳрибонлик уйи

тарбияланувчиси Сардор Алмаматов. — Биз, ёшларнинг қалбида доимо баҳор ҳукмрон. Бугунги байрам тадбиридан кўнглимиз шодликка тўлди, завқланиб дам олдик. Халқимизга мансуб меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик ҳаммаша бардавон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Болажонлар намойиш этган бадиий дастур тадбирга ўзгача фойда киритди. Ватан, баҳорни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради. **ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ахборот хизмати материаллари асосида "Milliy tiklanish" мухбири О. НАСРИДДИНОВА тайёрлади.**

Ташаббус натижа берди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мавжуд камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш юзасидан депутатлик назорати ўрнатилган. Биргина 2016-2017 йилларда халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳлари 44 Кенгаш сессияларига "Оммавий жамоат жойлари, ОАВда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолати тўғрисида"ги масалани

жорий этиш тўғрисида"ги қонунларга мос келишини таъминлаш, турар ва нотурар биноларнинг ташқи томони, иншоотлар, реклама воситалари ва экранлардаги реклама, ахборот ва ёзувларда орфографик хатолар бўлишига, жангарилик, ҳаёсизлик, камситиш ҳамда маънавийимизга зид кўринишдаги қиёфа, сурат, белги, ишора ва рамзлар жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш топширилди. Шаҳар ҳудудидаги барча реклама воси-

ДАВЛАТ ТИЛИГА ҲУРМАТ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ЎзМТДП БУ БОРАДА ЯНА БИР МАСАЛА КИРИТДИ

киритган. Аниқланган камчиликлар юзасидан мансабдор шахсларнинг эшитуви ташкил этилган.

Шу йилнинг 14 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан киритилган ташаббус-масала ҳам ушбу йўналишдаги амалий саъй-ҳаракатлардан бири бўлди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳамда шаҳар партия ташкилоти ҳамкорлигида "Давлат тили ҳақида"ги, "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Тошкент шаҳридаги ижроси ўрганилиб, унинг натижалари сессияда муҳокама этилди.

— Пойтахт ҳудудида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолатини ўрганиш, йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида дастлаб соҳа мутахассислари ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП ижроси котиби Шерзод Холматов. — Мазкур ишчи гуруҳ ўтган йилдан буён партия туман кенгашилари билан ҳамкорликда ҳар бир туман ҳудудидаги жамоат жойлари, кўча ва бекатлардаги айрим эълон, ёзув ҳамда жой номларининг ёзилишини ўрганиш, уларда йўл қўйилган имловий-орфографик хатоликлар ёхуд "Реклама тўғрисида"ги қонунга зид ҳолатлар аниқланди. Ўрганиш натижалари таҳлил қилиниб, ушбу масалани Кенгаш сессиясига олиб чиқишга келишиб олинди. Яқинда бўлиб ўтган сессияда партия гуруҳи ташаббуси билан киритилган ташаббус-масала иштирокчиларнинг қизгин муҳокамаларига сабаб бўлди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида сессия қарори қабул қилинди.

Дарҳақиқат, пойтахт кўчалари бўйлаб ва бекатларда илинган реклама банерлари ва бошқа ташқи ёзувларда турли имловий хато ёхуд лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосининг қўлланилиши билан боғлиқ хатолар мавжудлиги, айрим сўзлар хоржий тилларда аралаш ҳолатда қўлланилгани таассуфли ҳол. Бундай хато ва адабий тил қоидаларига риоя қилинмаслик ҳолати ёш авлод саводхонлигига салбий таъсир кўрсатади.

Сессия кун тартибидеги масала юзасидан қабул қилинган қарорга кўра, Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар кенгаши, "Тошкент реклама сервис" давлат унитар корхонаси, Республика Маънавияти ва маърифат маркази шаҳар бўлими, бошқа манфаатдор давлат ва нодавлат идоралари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Жумладан, барча турдаги реклама воситаларининг ёзувлари "Давлат тили ҳақида"ги ҳамда "Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини

таларидаги эълон ва турли ахборотларни тартибга келтириш, бунда тегишли корхона ва ташкилотлар билан ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш ҳамда қонунда белгиланган талаблар бажарилишини ўрганиб бориш вазифалари белгиланди. Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига "Давлат тили ҳақида"ги, "Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, қонун бузилиш ҳолатлари бўйича тегишли корхона ва ташкилотларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан депутатлик сўровларини юбориш тавсия этилди.

Тегишли мутасаддиларга корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг давлат тили ва бошқа тиллардаги ёрликлари, йўриқнома ва этикеткалари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши устидан мунтазам мониторинг олиб бориш ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўмак сифатида семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш вазифалари топширилди. Бир ой мuddатда Тошкент шаҳрида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги бозорлар ва савдо мажмуаларидаги дўконлар ва савдо жойларидаги мавжуд реклама эълон, ахборот ва ёзувлар меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини хатловдан ўтказиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш белгиланди. Бундан ташқари, сессия қароридан кўча номларини жойига чиққан ҳолда ўрганиш, бунда ёзувлар қонун ҳужжатлари ҳамда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича тартиб-қоидаларга мослиги, кўча номлари аҳоли учун кўринадиган жойга ўрнатилганлигига эътибор қаратиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш масалалари ҳам ўз ифодасини топди.

Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари бўйича давлат инспекцияси билан ҳамкорликда пойтахтдаги маданий мерос объектлари ҳамда хоржий меҳмонлар ва аҳоли ташриф буюрадиган диққатга сазовор жойлардаги лаҳза ва ёзувларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилди. Ҳар бир халқнинг, миллатнинг маънавияти, ўзлиги, орзу-интилишлари унинг тилида намоён бўлар экан, давлат тилини асраб-авайлаш, бойитиш, соғлигини сақлаш миллат руҳи ва маънавиятини асраш билан баробардир. ЎзМТДП гуруҳининг ушбу ташаббуси ва шу асосда қабул қилинган қарор пойтахтимиз ҳудудида адабий тил меъёр ва қоидаларига амал қилинишини таъминлаш, турли хатоликларни бартараф этиш ва олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Юнус АЗИЗОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Партия гуруҳимизнинг мазкур ташаббуси ЎзМТДПнинг давлат тилини бойитиш ва янада тақомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб боришга кўмаклашиш сингари устувор дастурий вазифалари ижросида муҳим ўрин тутди. Ўрганишларимиз ва қарорда белгиланган вазифалар ҳудуддаги кўчалар, майдонлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, оромгоҳлар, савдо масканларида, умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш жойларида ўрнатилган ёзувлар, лавҳалар, эълон ва реклама маҳсулотларини қонун талабларига мос бўлишини таъминлашга хизмат қиладди. Бундан ташқари, қарорда аҳоли орасида ўзбек тилига бўлган меҳр-муҳаббатни янада ошириш, давлат тилининг аҳамияти, жамият тараққиётидаги роли, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрнини кенг тушунириш ва тарғиб этиш мақсадида "Тил — миллат ифтихори", "Ўзбек тили — давлат тили, она тилим — миллат руҳи ва гурури" шiori остидаги тадбирларни мунтазам ташкил қилиш кўзда тутилган. Бу эса тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Зеро, давлат тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Муҳтарома КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

< Давоми. Бошлангичи 1-бетда.

Наврўза нисбатан энг кўпол аралашув шўролар даврида содир бўлди. Октябрь тўнтарисидан кейин узок йиллар давомида уни ўтказиш асоссиэ равишда таъқиқлаб кўйилди. 1960 йилларнинг бошларида ўзбек зиёлиларининг Наврўзни қайта тиклашга бўлган уринишлари муайян натижалар берган бўлса-да, лекин бу ҳаракат тўла куч ололмади. Наврўзни бутун бўйи-баста билан намоен этиш имконияти бўлмади. Бунинг устига, маъмурий-буйруқбозлик идоралари ва айрим шахслар томонидан унга турли ёрликлар ёпиштириш, баъзан эса ман этиб кўйиш ҳоллари ҳар хил шаклларда давом этди. Ҳатто аҳвол шу даражага бориб етдики, 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, унга мўқобил сифатида айни Наврўз кунларида зўрлик билан Хотира кунини ўтказиш, Наврўзни "Навбахор" деб номланган сиёсатлаштирилган қандайдир бир тадбирга айлантириш учун уринишлар содир бўлди. Натижада Наврўз билан боғлиқ бир қанча маросимлар, унинг айрим узвлари унутилиб кетди. Бундай ҳаракатлар ўзбекистон меҳнат аҳли кайфиятига мос эмас эди. Шунинг учун ҳам халқимиз Наврўзни баъзан яширин, кўпчилик ҳолларда оила шароитида нишонлашдан тўхтамади.

Аҳвол шундай кетарса, асрларни мунавар қилиб келган бу умумхалқ байрами оила шароитида ўтадиган тор бир тадбир доирасига тушиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Минг шукрлар бўлсинки, мамлакатимиз истиқлоли тудайли Наврўзга муносабат тубдан ўзгарди. 1990 йилдан бошлаб Наврўз мамлакатимизда эркин, умумхалқ тантанаси сифатида кенг нишонланмоқда. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов фармонида кўра, 21 мартнинг умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилиниши, уни ташкилий ўтказиш учун ҳар йили махсус қарорлар қабул қилина бориши Наврўзни кенг нишонлаш, минг йиллик қадриятлар сарчасамасининг унутилиб кетаёзган узвларини тиклашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарори асосида бу йилги Наврўз байрами "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган ғояни ўзида мўжассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида умумхалқ сайллари шаклида юқори даражада ўтказилишмоқда. Байрамга бу тарзда тайёргарлик кўриш ҳамда байрам билан боғлиқ бир неча кунларни кетма-кет дам олиш кунлари тарзида белгилаш қадимий анъаналаримизга тўла мосдир.

Қадимдан ҳам, ҳозирги кунда ҳам Наврўз байрами билан боғлиқ тадбирлар, у билан алоқадор удумлар байрамгача ва байрамдан кейин ўтказиладиган маросимларга бўлинган. Байрамгача бўлган тадбирларга экин-тикинга тайёргарлик кўриш, кўчалар, ҳовли-жойлар, мазорларни тозалаш, байрам билан алоқадор таомлар — сумалак, ҳалим ва бошқаларни тайёрлаш

тадоригини кўриш, Наврўз билан боғлиқ аъна ва урф-одатлар киради. Наврўзгача ва ундан кейин ўтказиладиган йирик тадбирлардан бири оммавий ҳашарлардир. Шу ўринда бир вақтлар Наврўз таркибида бўлган, кейинчалик мустақил аънага айланган ҳашар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Ҳашар ўзаро ердэм ёки шерикчилик асосида жамоа бўлиб ишлашнинг қадимий шаклларида бўлиб, ўзбек халқининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзи, унинг аънаалари ва урф-одатлари билан мустаҳкам боғлангандир.

Ҳашар тарихан деҳқончилик ва шахар маданиятининг ривожланиши билан Наврўз таркибида юзага келган оммавий халқ тадбиридир. Шунинг учун ҳам ҳашар юқори даражадаги деҳқончиликка ва юқсак шахар маданиятига эга бўлган ўзбек халқининг тарихан таркиб топган ва асрларо аниқ-янги шаклларда давом этиб келаётган ижобий аънааларида бирига ва энг машҳурига айланди. Бу ижтимоий-маънавий муносабатларнинг ўзига хос шакли бўлиб, бундай ўзаро муносабатлар майдонида кишиларнинг бир-бирига нисбатан аҳилиги, дўстлиги, ҳурмат-эҳтироми, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, ягона мақсад учун ҳаракат қилиш, бирлик ва ҳамкорликни қадрлаш каби олинган инсоний сифатлар камол топа борди. Шунинг учун ҳам катта ҳашарлар олдиндан пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда ўзига хос меҳнат байрами тарзида ўтказиб келинган.

Деҳқончилик учун жуда ҳам қўлай иқлим шароитига эга бўлган она Ватанимизда янги-янги ерларни ўзлаштириш, кенг экинзорларни юзага келтириш учун биргаллашиб, жамоа бўлиб ишлаш зарур эди. Бу ҳол шерикчиликни юзага келтирди. Шериклар эрта баҳордан кеч кузгача биргаллашиб ишлар ва етиштирилган ҳосилдан ўзаро улуш олар эдилар. Бора-бора бу аънага у еки бу шахтга, маълум бир жамоага, қишлоқ ва туманга тегишли катта-катта ишларни бир кунда ёки бир неча кунда биргаллашиб бажариш одати айландики, шу тарзда ҳашар аънагани пайдо бўлди. Одатда ҳашарчилар бажарилган иш ҳажми учун ҳақ олмайдилар, балки уларнинг кунлик ёки бир неча кунлик ёйиш-ичиши ва дам олишини ҳашарни ташкил этган шахс ёки жамоа зиммасида бўлади.

Ҳашар катта ишлар билан боғлиқ барча меҳнат турларига таалуқлидир. Масалан, уй курганда, унинг томини ёйиш кўпчиликнинг меҳнатини талаб қилади. Шунда маҳалла ёки қишлоқнинг меҳнатга яроқли одамлари уй эгасига бир ёки бир неча кун ҳеч қандай таъмасиз ишлаб беради. Бошқа бир мўдатда эса ҳашар ўтказган одам иккинчи бир кишига ердэм беради. Шу тарихи ўзаро ердэм, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, жамоат ишларини биргаллашда бажариш масъулияти шаклланадики, ҳашарни ўтказишдаги инсоний мазмун ҳам ана шундадир. Ўтмишда ариқ-зовурларни тозалаш, каналлар қазиб, жамоат биноларини биргаллаш

қуриш, маҳалла, қишлоқ, туман ва шахарларни катта байрамларга тайёрлаш, табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларни тугатишда меҳнатни ташкил этишнинг ҳашар шаклидан кенг фойдаланилган.

Демак, ҳашар — халқимизнинг асрлар давомида бир неча авлодларнинг саъй-ҳаракати билан доимо бойиб ва гўзаллашиб бораётган умрбоқий аънааларидан бири. Унинг янада самарадор ва мазмунан бой бўлишини таъминлаш, унга инсон маънавиятини яна ҳам юксалтиришнинг бебаҳо омил сифатида муносабатда бўлиш зарур. Энг муҳими, ҳашар Наврўз байрами таркибида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши керак. "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарорида март-апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойланини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишлар энг яхши йўлга қўйилган туман, қишлоқ ва маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш тадбири кўзда тутилгани, бу халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ҳашар аънааларининг янги шаклларда ривожлантиришнинг ўзига хос кўринишидир.

Наврўз байрамини ғоявий-бадийий жиҳатдан ҳар томонлама жозибали ўтказиш асосан ташкилотчиларнинг истеъдоди ва қобилиятига боғлиқ. Турли хилдаги оммавий сайиллар ўтказиш, театрлаштирилган томошалар, спорт мусобақалари ташкил этиш, қариялар ва қаровсиз оилалар аҳолидан хабар олиш, меҳнат мавсумини тантанали бошлаш тадбирлари байрам таркибий қисмларининг асоси бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам халқимиз Наврўз ҳақида турли-туман ривоятлар, афсоналар, қўшиқлар яратган.

Наврўзнинг барча халқона удумларини қайта тиклаш учун зиёлиларнинг барча тоифаси, бутун жамоатчилик қайғуриши, биргаллашда иш олиб бориши зарур. Наврўзга доир альбомлар, турли йўналишдаги китоблар, рисоалар нашр этиш, кинофильмлар яратиш, кенг режали тадқиқотлар олиб бориш керак. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Наврўзни янгича нишонлаш тажрибаларини умумлаштириш зарур. Шу маънода маданиятшунослар, санъатшунослар ўз фаолиятларини янада кучайтиришлари кераклиги ойдинлашиб бораверади.

Шундай қилиш керакики, қадимий, шу билан бирга даврларо ривожланиб келган Наврўзимиз бугунги истиқлолимизга мос, жонажон ўзбекистонимиз кўркига монанд янада кўркамлашиб, мазмунан бойиб борсин. Уни янада мўкамаллаштириш, жозибали ва томошалар бўлиши учун юртимизнинг ҳар бир фуқароси ҳисса қўшиши жоиз. Шу йўлда ҳар биримизга муваффақиятлар тилаб, Наврўз байрами билан қизгин муборакбод этиб қолам!

Тўра МИРЗАЕВ,
академик

Жамоатчиликнинг ривожланиши билан Наврўз таркибида юзага келган оммавий халқ тадбиридир. Шунинг учун ҳам ҳашар юқори даражадаги деҳқончиликка ва юқсак шахар маданиятига эга бўлган ўзбек халқининг тарихан таркиб топган ва асрларо аниқ-янги шаклларда давом этиб келаётган ижобий аънааларида бирига ва энг машҳурига айланди. Бу ижтимоий-маънавий муносабатларнинг ўзига хос шакли бўлиб, бундай ўзаро муносабатлар майдонида кишиларнинг бир-бирига нисбатан аҳилиги, дўстлиги, ҳурмат-эҳтироми, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, ягона мақсад учун ҳаракат қилиш, бирлик ва ҳамкорликни қадрлаш каби олинган инсоний сифатлар камол топа борди. Шунинг учун ҳам катта ҳашарлар олдиндан пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда ўзига хос меҳнат байрами тарзида ўтказиб келинган.

Сўз сехри

ШЕЪР — СЎЗНИНГ МЕХР-МУҲАББАТГА АЙЛАНГАН ШАКЛИ

Қийос очилган суллар ёлгиз гулчаларнинг ёруз кулгусинга эмас. Улар ҳаётнинг боқийлиги-ю, тирикликнинг неъматли, ёрузликнинг ганиматлиги ҳақидаги қўшиқдир. Ўткинчи фаслларнинг файзли-ю қадр, армонлари хусусидаги рангдор алқовдир, ботиб меҳнатни-ю реза-реза пешона тегини тўғридан тўғридан тилишнинг тимсоли хайларидир, аслида.

Сўзлар ҳам шунақа. Муайян мазмунни ифодалашда бадий воситасига эмас, яна ижодкорнинг шахсияти ва ҳаётий тажрибасини, маънавий-интеллектуал маданияти ва фалсафий эстетик қарашларини, тафаккур қудрати ва туйғулар жағмармасини ақс эттирувчи ёркин кўзга ҳисобланади. Шу боис сўзлар маъно-мундари-жасига кўра ижодкор индивидуаллиги, бадий дунёсининг бетакорлиги, ўзига хослигини тасдиқлаш баробарида адабиётдаги ўрни, бадий-эстетик тафаккур тақомилига қўшган улушини ҳам белгилаб беради. Доншманд шоир таъкидлаганидек, бизлар бир ўткинчи, жаҳон барқарор, одамдан фақат сўз қолгуси ёдгор...

Танқили шоир Ўткир Раҳмат сўз билан сизлашиб сирлашади. Ижодкорни билмоқчи бўлсанг она юртини бориб кўр, деган ҳикмат бор. Уни, бевосита, сўзга нисбатан қўллаш ҳам мумкин.

Хусусан, Ўткир Раҳматнинг шахсиятини, ҳаётга, жамиятга ва одамларга бўлган муносабатини, сазъия салоҳиятини билишни истагувчиларга шеърларини ўқинг, муқаддас сўзга бўлган ҳурмат-эҳтиромини англа, дегим келади. Сўзлар шоирнинг жони-жаҳони. "Ирмоқ", "Соғинч", "Жилга", Райхон ҳиди", "Шукрона", "Ой ёғдуси", "Кўзим қорачиги", "Хаёл ифори", "Юракдаги қуш", "Дилчиқроқ", "Ўтли рух", "Хокисор майса" каби шеър ҳамда туркумлари Ўткир Раҳматнинг эл-юртда танилди. Ниҳоятда самимий, дилгир, меҳрли, садоқатли шоир ўғли борлигидан элнинг ҳам кўнгли тоғ. Шоир одамлар табиатидаги ақлий-интеллектуал фазилатларни, маънавий-ахлоқий қадриятларни, ҳаёт гўзаллигини кўйлайди. Не тонгики, меҳр-муҳаббат енида хиенатни, яхшилик енида ёмонликни, нур енида қоронғиликни, оқибат енида мақд, риёни кўради. Дили вайрон, ёзиришидан олов ўрлайди.

Ҳаёт — беназир неъмат, табиат — бе-такор гўзал ҳилқат. Ана шундай мавзода нега одам нотугал, тўксис, беками-кўст эмас? Нега бир кўли эккан дархаларни иккинчи кўли қирқиб қурилади? Нега бири бунёд этса, иккинчиси барбод қилади? Инсон деб аталган мўъжизакор "Насиб", "Сўзларим", "Шукрона", "Ҳаёт", "Ўтаётган умр", "Самимият", "Ташвиш

мас сехрли? Одамнинг бири ёруғлик, эрк учун курашса, иккинчиси нурни кишидан-банд этади, зиёнинг юзига тўр ташлайди. Нега? Боси нима? Ҳамма-ҳаммасига банданинг хом сут эмганлиги сабаби? Комил эмасликнинг қалити кимда? Нимага боғлиқ?

Булар — Ўткир Раҳматни шоир сифатида ҳамиша ўйлантириб келаётган, кўлига қалам тутқазган, қулфи-дилчини очиб, кўнглидаги оғриқли саволларга жавоб топишга ундаган фалсафий-ахлоқий муаммолардир. Булар, аслида, оламнинг инсон олдига қўётган, ечимини излашга даъват этиб келаётган азалий ва абадий сўровлари. Шу маънода, Ўткир Раҳмат қалбини жунбушга келтирган саволларга воқелидан, табиат рангларидан жавоб излайди. Оламни тушунишда, одам сир-синоатларини англашда сўзлар шоир учун очқин вазиғасини ўтайди.

Қай боғларда юрибсиз айтинг,
Қай шикомда ёзгансиз қанот?
Қайлардодир мен излар ботим,
Сизни излаб юрибман бот-бот.

Ўткир Раҳмат лирикасида ҳаёт — ҳикматдир. Кўнглиларга экилажак туйғу-тафаккурлар бизни ҳамиша сабр-қаноатга, масъулиятга ундайди. Ҳаёт сабоқлари умрни бесамар ўтказмасликка, ёмонликни даф этолмаска-да, билиб-билмай кўлига сув қуймасликка, эзуликка ошно тутинишга даъват этади. Шоир шеърларининг бадий-эстетик таъсир кучи руҳиятининг янги саҳифаларини яратишга иштиёқмандлигидир. Поэтик сўзининг ўзига хос маънавий борлик ярата олиш салоҳиятига ишонади. Инсоннинг кўнгли асрорларини англашда, идрок ва ифода этишда сўз беқиёс кашшофлигини дил-дилдан туюди. Тоғ-тошлар уваланади, гўнг қоялар емирилади, миноралар нурайдди. Ва лекин, мил-мил асрлар ўтса-да, маъноли сўзга куя тушмайди. Ҳикматли сўз нурига гард қўймайди. Зеро, сўз — маънавий нон. Уни кўнглилар, онг-шуурлар дастурхонда ушатиб қўйилади, бирига баҳам кўрилади. Ўткир Раҳмат шеърлари сўзининг меҳр-муҳаббатга айланган шакли.

Гарчанд инсоннинг ўзи ўткинчи эсанда, инсонийлик боқийдир. Шеър инсонийликни, олижанобликни боқийлаштирувчи, ҳаёт гўзалликлари-ю гўзаллигини ҳақиқатларини сўзлар хотирасига кўчириши, муҳрлаши билан беназир. Шеър Ўткир Раҳмат талқинига кўра виждон туғени, самимияти, у инсонни янада гўзал ва олижаноб этувчи сехрли куч-қудратдир. "Насиб", "Сўзларим", "Шукрона", "Ҳаёт", "Ўтаётган умр", "Самимият", "Ташвиш

ҳақида ўйлар" сингари шеърлари шоирнинг бадий-эстетик қарашларини ақс эттиради. Асл шеър сайроқи сўзлар жанрнингдан, ёруғлик билан қоронғулик муқорабасидан, шодлик сафоси-ю қайғу зангидан, курашлар суронию ишқ оҳангидан дунёга келади.

Ўткир Раҳмат лирикасида ҳаёт ҳикмати, умр-тириклик хосияти фалсафий йўсинда тадқиқ этилади. Хусусан, умр моҳияти — бу ҳаёт рангларидан маънолар уқиб билан уйғунлиқда намоен бўлади. Лирик қаҳрамоннинг ҳаёт, меҳнат, меҳр-оқибат ҳақидаги ўй-мушоқадлари моҳиятан шоирнинг эзулиги, гўзаллик ҳақидаги қарашларининг фалсафий маъноли бўёқлари ва манзаралари шоир шеърларининг бадий пафосини белгилайди. Юрт тупроғида унган дов-дархаллар заммининг одамларга айтаётган дил сўзлари. Улар шоирнинг табиат ва боқийлик ҳақидаги ўйларига қатъий мазмун бағишлайди. Офтоб ер юзидаги яшноқликни, тирикликни, гўзаллигини таъминлайди. Аслида ёруғлик Кўёшининг олам билан одамни алқаган меҳр-муҳаббатидир.

Тўйдим дилда неки бор дўстим,
Ёйдим уни қир-адирларга.
Шукроналар айтдимую такор,
Кўйилдим мен чўг саптарларга.
Никобларнинг хили беҳисоб,
Ёлғони кўп экан бу дунё.
Бир дўстун бириси қассоб,
Ғалвир экан селида дунё.

Ўткир Раҳмат лирикаси учун хос хусусиятлардан яна бири шундаки, шоир оддий турмуш реалликлари, маиший ҳаёт кўринишлари билан оламнинг боқий манзаралари ўртасида муштараклик кўради. Уларни боғлаб турган нарса эса инсоннинг кўргуликли, ҳаётнинг бошимизда юризган тегирмон тошларидир. Дунё шевалари тушунишда, акс эттиришда ана шу боғлиқлик аққол кўзга ташланади. Бу нарса Ўткир Раҳмат ижодий индивидуаллигини белгиловчи омиллар сирасидандир. "Тини билмай" шеърининг лирик қаҳрамони шамол-шаббодо хаёлларига сингиб кетади. Майсаларнинг ям-яшил сўзларига туйғуларини ўрайди. Дов-дархаллар, тоғу тошлар, қир-адирлар, дала-дашлар юра-дида барк урган идаоси ила тиллашади. Табиат дарагини лирик қаҳрамонни одам ёзуқи ҳақида фикрлашга ундайди.

Оламни тушунишда, одамни тушутиришда Ўткир Раҳмат лирикасида инсон ва табиат уйғунлиқда намоен бўлади. (Хусусан, "Манзаралар", "Тундаги машқлар", "Миллиард томчиларга тўлади кўзлар"

каби туркумлари). Қизғалдоқ билан безанган адирлар, чимзорларнинг кўм-кўк барқат гилами, турфа қушларнинг минг бир нағмаси, ёнбошлаган тонинг уйчан бошига ёққан қор, тескари оққан дарёлар йиғиси лирик қаҳрамон қалбига ажиб ҳислар тўққинини уйғотади. Бу туйғуларни ким биландир бўлиши, дардлашиш иштиёқи шеърлар шаклида кўз очади. Шу боис шоир учун олам хушрўй ифдор, хушбўй тароват беланчаги бўлиб кўринадди. Шу маънода, табиат машоқ бастакор. Мабодо, қушлар сайрамай қолса бу олам беҳад қашшоқлашиб кетади. Бахмал осмонда ловуллаб ёнган офтоб бошларга соябондир, аслида.

Офтоб ёйса эгани
демак нури кун бўлар,
Жон тополмай пайида
ғубор йиллаб хун бўлар.
Бир қалб сени зор излаб
умри ўтди беҳузур,
Қайда қолдинг, қайдасан,
қайноқ меҳр — тоза нур.

Ўткир Раҳмат шеърларининг асосини ташкил этган мазмун табиат, ижтимоий воқелик ҳамда инсон фаолиятининг уйғунлигидан вужудга келади. Ана шу омиллар гўзаллигининг мўкамаллигини, ҳаётнинг азалийлигини асослайди. Куёш самога кўтариларкан, уни биринчи бўлиб қушлар, япроқлар, ниҳоллар қарши олади. Булбул чох-чаҳларкан, феруза наҳорнинг сафосини чанқоқ симиради. Лирик қаҳрамон дарёга, боғларга, тоғу дараларга яшноқ гўзаллик тимсоли мисол боқади. Ана шу ҳаёт дарсини чанқоқ ўқийди. Уларнинг оғушида инсон меҳри, эътиқоднинг излари бор. Лирик қаҳрамон инсоннинг чакиндек зехин-ю, бунёдкор меҳнатига камалаклар ранги-ю яшил далаларда ҳаёт гўзаллиги унқуларини кўради.

Табиат бўёқларида жилваланган гўзаллик Ўткир Раҳмат шеърларида болалик тасавурларини жонлантиради. Улар сайрон кечаларнинг ғир-ғир шамоли, бедазорда кишнаган тўйин йилқилар, сазий жазирема офтоб, мағрур тоғлар образидан таркиб топади.

Ўткир Раҳматнинг "Шукрона", "Ой ёғдуси", "Хаёл ифори" сингари ўнлаб мажмуаларида сўзга нисбатан катта ҳурмат, эътиқод туйғулари балкиб турибди. Ҳақ сўз қошида тиз чўккан эҳтиромнинг самимияти истеъдоднинг янги изланишларига катта ишонч уйғотади.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Ижтимоий реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОР ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ

"Ҳаракатлар стратегиясини "Ғаол тадбиркорлик, инновациялар, технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадлари назарда тутилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа бюрорганомалари қабул қилинади:

1. Аёллар ва ёшлар, ногирон ҳамда кексаларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қўшма иш режалари ва дастурларини амалга ошириш.

2. Чека, тоғли ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларда янги иш ўринлари, ижтимоий ва маиший инфратузилма яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қўмаклашиш.

3. Аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш, бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этишга қўлай шарт-шароит яратиш, давлат органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлашга қўмаклашиш.

4. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қўмаклашувчи комплекс тадбирларни рўйбга чиқариш.

5. Оилада маънавий-ахлоқий муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта ва шаръий никоҳлар, ногирон болалар дунёга келиши олдини олишга қўмаклашиш.

6. Давлат органлари ва бизнес субъектлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар, ёшларни тадбиркорлик ва оилавий бизнестга кенг жалб қилиш.

7. Кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари ва инновацион усулларини жорий этиш.

8. Оилада соғлом муҳитни юксалтириш, аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини тарғиб қилиш, қайнона ва келин муносабатларини мустаҳкамлашга қўмақ кўрсатиш.

9. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, энг аввало ёшлар, аёллар ва ногиронлар бандлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий қорхонларни шакллантириш, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар, хизматлар ва ишлар бажарилишини йўлга қўйиш.

10. Уюшмаган ёшларни, ногирон аёллар ва қизларни, жазони ўташ жойларидан озод қилинган,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОР ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ

"Хорижий ва маҳаллий ОАВларда юқсак ҳуқуқий тафаккурни, инсон ҳуқуқлари маданиятини, жамоатчилик назоратининг инновацион шакл ва механизмларини кенг тарғиб этиш" мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадлари назарда тутилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа-бюрорганомалари қабул қилинади:

1. Мамакат парламентари қабул қилган янги қонунлар, Президент фармонлари, қарорларининг асосий жиҳатларини кенг оммага етказишнинг самарали инновацион шакл ва механизмларини таъминлаш.

2. Қонунларнинг инсонлар ҳаётига реал таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқотнинг янги усулларини, қонунларнинг ижтимоий муносабатларини бевосита тартибга солишдаги роли ва аҳамиятини юксалтиришнинг инновацион усулларини жорий этиш.

3. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишнинг инновацион шакллари амалиётга киритишга қўмаклашиш.

4. Жамиятда юқсак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича ҳамкорликдаги дастурларни самарали амалга ошириш.

5. Қонун лойиҳаларининг эксперт ва жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, жулладан, махсус телекўрсатув ва радиоэшитиришлар уюштириш, интернет ва босма нашрларда мақолалар чоп этиш.

6. Давлат органлари билан ҳамкорликда ОАВлар материалларининг профессионал, мафкуравий ва бадий даражасини юксалтириш дастурларини амалга ошириш.

7. Ёш журналист ва техник ходимлар маҳорати ҳамда ижодий фаолигини юксалтиришда ижтимоий шериклини кучайтириш.


БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



*Барча юрtdошларимизни
миллий байрам — эзгулик,
олижаноблик ва инсонпарварлик
ифодаси бўлиши*

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан салимий қутлайди.



*Янги кун шодиденалари жаётилизга
фаровонлик, хонадонилизга файзу
барака келтирсин.*



ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС” МЧЖ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз аҳлини эзгулик тантанаси
мужассам айём, шарқона йилбоши ҳисобланган*

НАВРҮЗИ ОЛАМ

билан самимий қутлайди.

Байрам шукуҳи сизларни йил бўйи тарк этмасин!



хизматлар лицензияланган

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ “АГРОКИМЁҲИМОЯ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни қалбларга сурур,
опам-опам қувонч ва янги-янги орзу ҳаваслар
бахш этган **Наврӯз** айёми билан қутлайди.*

*Янги сеҳқончилик мавсуми она заминимизга
қут-барака, ободлик ва фаровонлик
туҳфа этсин!*

Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!


хизматлар лицензияланган

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ “ДАРҒОМ” ДАВЛАТ ЎРМОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ, ЖАМОАСИ

*халқимиз тарихи ва маданиятини
муҳим бўлади —*

Наврӯз
билан қутлайди.

*Халқимизга мансуб меҳр-мурувват,
аҳиллик ва тотувлик ҳамиша бардавом бўлсин!*



хизматлар лицензияланган

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ —
ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

**яратувчилик, янгилашни билан боғлиқ
ҳаётбахш ғояларни ўзида мужассамлаштирган
бетакрор бадний қадриятимиз**

Наврўзи олам

**билан барча
юртдошларимизни
табриклайди!**



ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ВА ОБОДЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИН!


**САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ
“СИНО” АЖ ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

билан самимий қутлайди.

**Наврўзи олам юртимизга тинчлик-
омонлик, бахту саодат, қут-барака
олиб келсин!**



Маҳсулот сертификатланган.

**"Aluminium Teflon Product" МЧЖ ва
"Metal Tools" МЧЖ жамоаси**




**кўп миллатли халқимизни ва юртимизга
ташриф буюрган азиз меҳмонларни**

НАВРЎЗ

байрами билан қизгин табриклайди.

**Ҳаётбахш Наврўз, барчамизга
муборак бўлсин!**



Маҳсулот сертификатланган.

Медиа-форум

**“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ДУНЁ ТЎПЛАМЛАРИДА”
ХАЛҚАРО МУЛЬТИМЕДИА ЛОЙИҲАСИНИНГ 2018 ЙИЛГИ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”
ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ**

Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” халқаро мултимедиа лойиҳасининг 2018 йилги “йўл харитаси” тақдимотига бағишланган медиа-форум ташкил этилди.

Унда вазирлик ва идоралар, илмий марказлар ходимлари, олимлар, тадқиқотчилар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” лойиҳаси таҳрир кенгаши раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси, мазкур лойиҳа раҳбари Фирдавс Абдухолиқов, маданият вазирининг ўринбосари Камола Оқилова, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислоҳ цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров, “Тараққиёт стратегияси” маркази директори Акмал Бурҳонов ва бошқалар мамлакатимизда бой маданий, маънавий, илмий меросимизни ўрганиши, асраб-авайлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Дендев Бадарч, ЕХҲТнинг юртимиздаги лойиҳалари координатори Жон МакГрегор, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер Аллан ва бошқалар ушбу лойиҳа Ўзбекистоннинг улкан ва бетакрор маданий, илмий, маънавий меросини бутун дунёга намойиш этишда муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди.

Тадбирдан кўзланган мақсад — кенг жамоатчилик ўртасида жаҳон музей, кутубхона ва илмий муассасаларида сақланаётган ўзбек халқининг бебаҳо маънавий бойлиги тақдимотини ташкил қилиш билан яқиндан таништириш, чет эллардаги Ўзбекистонга оид маданий бойлиқлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базаси — реестрини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш, мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Ўтган йили мазкур лойиҳанинг илк bosқичида хорижий музей тўпламларида сақланаётган ўзбек халқ санъати ва маданиятига оид обидаларни аниқлаш, уларни ўрганиш мақсадида жаҳоннинг турли мамлакатларига сафарлар уюштирилди. Нодир маданий меросимизга оид 10 китоб-альбом чоп этилди, уларга ушбу мавзуга тааллуқли кўплаб мақолалар киритилди. Лойиҳа ижроси давомида

амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар ўзбек маданий меросига нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида қизиқиш ва эътибор билан қаралаётгани, муносабат билдирилаётганини яна бир қарра намоян этди.

— Ушбу жараёнда иштирок этиб, Ўзбекистон маданияти ва санъати ҳам қадим тарихга эгалиги, ҳам нақадар бойлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим, — дейди “Mueller & Schindler” нашриёти вице-президенти Александр Вильгельм (Австрия). — Манбаларни ўрганиш, уларни нашр этиш борасидаги ишларни келгусида ҳам давом эттириш ниятидамиз.

2018 йилда Буюк Британия, Германия, Россия, АҚШ, Туркия, Чехия, Франция, Япония тўпламлари асосида 20 жилдди китоб-альбом чоп этиш, жаҳон кутубхоналарида сақланаётган турли тиллардаги бебаҳо кўлэма ёдгорлиқлар, жумладан, Алишер Навоий ижодида мансуб кўлэмалар (Буюк Британия кутубхонаси, Франция миллий кутубхонаси), Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Темур саройига юборилган элчи” китоби (Испания миллий кутубхонаси), Соҳибқирон Амир Темур галабалари ҳақида гувоҳлик берувчи “Зафарнома” асарининг қадимий кўлэмаси (Буюк Британия кутубхонаси), “Катта Лангар Куръони”, Хусайн Бойқаро девони, “Равзат-ус-Сафо”, “Темур тузуқлари” асарларининг кўлэмаларини (Россия Фанлар академияси Шарқ кўлэмалари институти), Абу Али ибн Сино асарларининг қадимий кўлэмаларини bosқичма-bosқич рақамли форматга ўтказиш ва уларнинг факсимиле-нусхаларини чоп этиш каби чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Қадимий манбаларни ўрганишга оид илмий ишлар изчил давом этмоқда. Айни пайтда лойиҳа доирасида чоп этилган китоб-альбомлар, ҳужжатли фильмларнинг 10 минг нусхасини жаҳон ва юртимизнинг нуфузли кутубхоналари, олий таълим даргоҳларига, Ватанимизга ташир буюрувчи хорижий делегациялар аъзоларига тақдим этиш кўзда тутилган. Олимлар, тадқиқотчилар, санъатшунослар, археологлар иштирокида халқаро анжуманлар, давра суҳбатлари, нодир меросимиз намойишига оид кўргазмалар, тақдимотлар, брифинглар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Форум давомида юртимизнинг 16 музей, кутубхона, илмий муассаса ва ташкилотларига “Катта Лангар Куръони” ва “Девони Хусайний” асарлари кўлэмаларининг факсимиле нусхаларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бир қатор йирик кутубхона ва музейлар, маърифий-илмий масканларга лойиҳа доирасида чоп этилган 10 жилдди тўпламлар тақдим этилди.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири**

